



КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Байбобоева Фируза Набижонова

*Наманган муҳандислик – технология институти Магистратура
бўлими бошлиғи. firuzanabijonovna@mail.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a31

Аннотация

Ушбу мақолада Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иқтисодий хавфсизлик самарадорлигини оширишда таҳдидларни зарарсизлантиришдаги асосий стратегик йўналишлар таҳлили амалга оширилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи таҳдидлар таснифларининг асоси ёритиб берилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг таснифланишида ички ва ташқи омилларнинг таъсири ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, иқтисодий хавфсизлик, бозор иқтисодиёти, самарадорлик, таҳдидлар таснифи, ривожланган, ички ва ташқи омиллар.

Аннотация

В данной статье анализируются основные стратегические направления нейтрализации угроз повышения эффективности экономической безопасности в малом бизнесе и частном предпринимательстве. Освещены основы классификации угроз, влияющих на экономическую безопасность малого бизнеса и частного предпринимательства. Исследовано влияние внутренних и внешних факторов на классификацию угроз экономической безопасности в малом бизнесе и частном предпринимательстве.

Ключевые слова: предпринимательство, экономическая безопасность, рыночная экономика, эффективность, классификация угроз, развитый, внутренние и внешние факторы.

Кириш

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи доимо ўз долзарблигини сақлаб келган. Соҳага давлат томонидан имкониятлар берилиши ва бошқарилувчи шахс томонидан уни ривожлантириш, айниқса хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш тизимларида турли инновацион янгиликларни жорий этилиши орқали унинг истиқболи ҳамда барқарорлигини таъминлаш имкониятлари яратилади.

Мамлакатда ишсизлик даражасини пасайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш муҳим

аҳамиятли ҳисобланади. Чунки мамлакатда ишсизлик даражасини юқорилиги мамлакатнинг ҳам миллий ва иқтисодий хавфсизлигига ўз таъсирини кўрсатади.

Мамлакатимизда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ ва фаол жалб этишга тўсқинлик қилувчи, биринчи навбатда давлат органларининг тадбиркорлар билан мулоқот қилишнинг амалий ва шаффоф тизими яратилмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5718-сон фармони қабул қилинган.[1] Фармонда тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этиш ва қабулхоналар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланган:

- тадбиркорлик субъектларини ҳамда чет эллик инвесторларни қабул қилиш, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситаси ва сайёр қабулларни ўтказиш;

- тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш;

- тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари ва бинолар, кредитлар ажратиш, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш масалаларидаги тўсиқларни бартараф этиш;

- тадбиркорликни ривожлантиришга ва чет эл инвестицияларини жалб этишга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни мониторинг қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида уларни қабул қилиш, умумлаштириш, мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш учун самарали платформа жорий этилишини назарда тутувчи «business.gov.uz» ягона интерактив портали фаолият кўрсатишини таъминлаш.

Мазкур фармонни қабул қилиш натижасида биринчидан: аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш эришилиши, иккинчидан: тадбиркорлик фаолиятидаги тўсиқ ва муаммоларни тизимли ташкил этишга ва учинчидан тадбиркорлик фаолиятини олиб боришдаги муаммолар натижасида фаолият иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи таҳдидларни олдини олишга эришилади. Бу ҳам бўлса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидаги иқтисодий барқарорлигини сақлаш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига таъсир этувчи турли таҳдидларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятли ҳисобланади. Баъзи бир назарий ёндашувларда кичик бизнес субъектлари ташқи ва ички таҳдидларга таъсири юқори даражага эга эканлигини қайд этилмоқда.

Замонавий бизнес дунёсида иқтисодий хавфсизлик маъмурий бошқарувнинг борган сари муҳим ва кўп мақсадли таркибий қисмига айланмоқда. "Хавфсизликка таҳдид" тушунчаси йилдан-йилга ўзгарувчан бўлиб бормоқда, янги омилар ва элементлар доимий равишда таҳдидлар рўйхатига киритиб борилмоқда.

Иқтисодий фаолиятнинг олдиндан баҳоланмаслиги ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ички ва ташқи таҳдидлар таъсирига нисбатан эътиборсизликда бўлиши натижасида салбий оқибатларга, ҳатто банкротликка олиб келиши мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эгалари (бошқарувчилари)да соҳада етарли бошқарув тажрибаси ва билимига эга бўлмаганликлари сабабли ҳам субъект фаолиятида ички таҳдидларини ошириш имкониятини келтириб чиқариш эҳтимоли мавжуд.

Н.А.Пименов ўз асарларида “Хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий хавфсизлиги-бу хўжалик юритувчи субъектнинг ҳолати, бунда рақобатбардош устунликлар ва хавф-хатарларнинг салбий таъсирига қарши кураш усуллари жорий қилиш лозимлиги”ни таъкидлайди.[2]

Ҳақиқатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий хавфсизлигига рақобат муҳитига таъсир доираси катта ва қолаверса хавф-хатарларга қарши курашиш ва уларни олдиндан башорат қилиш муҳим аҳамиятли ҳисобланиши лозим.

Ю.А.Бурцев ўз тадқиқотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлига таъсир этувчи ташқи омиллар таъсири катта аҳамиятли деб ҳисоблайди ва таъсир этувчи ташқи омилларнинг асосийлари деб қуйидагиларни келтирган:

- мамлакат иқтисодий ҳолати;
- юқори қийматли суғурталар;
- солиқларнинг юқори даражалилиги;
- малакали кадрларнинг етишмаслиги.[3]

Л.И.Амирова ва бошқалар ўзларнинг назарий қарашларида “Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги - бу моддий, молиявий, кадрлар, техник ва технологик потенциаллар ва компаниянинг ташкилий тузилмасининг стратегик мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги туфайли рақобат устунликларининг мавжудлигидир” деб баҳоламоқдалар.[4]

Иқтисодчи олим П.З.Хошимов ўзининг илмий қарашларида “Тадбиркорлик фаолияти хавфсизлиги деганда, тадбиркорлик фаолияти субъекти амал қилишининг барча босқичларида, биринчи навбатда, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа салбий оқибатларга олиб келувчи ички ва ташқи таҳдидлардан муҳофаза қилинганлигини тушуниш лозим” дея таъриф келтирган.[5]


Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асоси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш самарадорлигини ошириш. Таҳлил жараёнида таққослаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган. Кузатув методи орқали тадбиркорликнинг ҳолати баҳоланган ва абстракт-мантиқий фикрлаш орқали тегишли хулосалар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш самарадорлигини оширишда бизнес юритувчи хўжалик субъектларининг хавфсизлигини таъминлашда қатор мураккаб тизимлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир (1-расм).

Расмда келтирилган ушбу мураккаб тизимлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш имконини яратади.



1-расм. Тадбиркорлик субъектларида умумий хавфсизликни таъминлаш тизими

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлиги, барча мулкларнинг мақбул нисбатига асосланиб, субъектнинг барқарор ишлашига, қийинчиликлар ва таҳдидларга муносиб жавоб беришга, ривожланиш ва такомиллаштириш имконини беради. Субъектнинг мақсад ва вазифалари тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини ярата олиш имкониятини таъминлайди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг қуйидаги асосий функционал компонентларини баҳолаш орқали аниқлаш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- функционал компонентларга омилларнинг сезиларли таъсир кўрсатиши;
- иқтисодий хавфсизликнинг функционал компонентларини таъминлашга таъсир этувчи асосий жараёнларнинг таъсирини аниқланиши;
- иқтисодий хавфсизликнинг функционал компонентларини таъминлашда иқтисодий кўрсаткичларни аниқланиши.

Бизнингча тўлиқ иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ички ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш орқали эришиш мумкин бўлади. Бунда ресурсларнинг барча даражаларида бошқарувни самарали ташкил этиш ва молиявий тизимлардан оқилона фойдаланишни талаб этилиши керак.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигининг ҳолатига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган таҳдидларнинг ҳар бири моддий, маънавий ва молиявий зарарни келтириб чиқаради. Аниқланган таҳдидни камайтириш ва олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора ва тадбирлар унинг минимал даражагача камайтириш имконини яратади.

Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишда саккизта функционал таркибий қисмдан: молиявий, интеллектуал, кадрлар, технологик, ҳуқуқий, куч, ахборот ва экологик таҳдидларни бартараф этишга ҳар томонлама ёндашувни талаб

қилиниши керак. Мазкур омиллар хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда ва соҳада барқарорлик, хавфсизлик ва молиявий қудратга эга бўлишни таъминлайди. Бизнес юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларни зарарсизлантиришнинг асосий стратегик йўналишларини белгилаш орқали субъектнинг таҳдидлардан ҳимоя қилиш чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иқтисодий хавфсизлик самарадорлигини оширишда таҳдидларни зарарсизлантиришдаги асосий стратегик йўналишлар

№	Йўналиш	№	Йўналиш
1	Ички ва ташқи таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш билан мунтазам мониторинг олиб бориш	6	Техник ва технологик хавфсизликни таъминлаш
2	Прогнозлаш, режалаштириш ва барқарорликни таъминлашда тўлиқ иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш	7	Ахборот хавфсизлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни олдини олиш чораларини кўриш
3	Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хавфсизлик кўрсаткичларининг миқдорий ва сифат қийматларини ҳисоблаш ҳамда ахборот соҳасидаги таҳдид ва хавфлар салоҳиятини аниқлаш	8	Хужжатларни юритишни тартибга солиш ва уни сақлаш чораларини кўриш
4	Хўжалик юритувчи субъектнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни назорат қилиш	9	Бошқарувда самарали қарор қабул қилиш, рағбатлантириш чораларини кўриб бориш
5	Профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш	10	Компания раҳбарияти ва ходимларининг жисмоний ҳимоясини таъминлаш

Умуман олганда иқтисодий хавфсизлик тизими ва унинг самарали ишлашига кўмаклашувчи чора-тадбирларни доимий равишда янгилаш ва қайта кўриб чиқишни талаб этилиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий хавфсизлик чораларини самарали амалга ошириш учун иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида бир вақтнинг ўзида назорат ва мувофиқлаштирувчи вазифаларни бажариши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш самарадорлигини оширишда таҳдидларни таснифлаш ва таснифлар асосида иқтисодий хавфсизликни баҳолаш ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тизимларини самарадорлигини оширишга эришилади. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи асосий таҳдидларнинг таснифларини асослаш лозим (2-расм).

Ушбу расмда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар нейтраллашган асослари том маънода хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи асосий омиллар киритилган. Нейтраллаштирилмаган асосларга эса хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигига қисман таъсирга эга омиллар киритилган.



2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи тахдидлар таснифларининг асоси

Шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи тахдидларни таснифлаш, биринчидан, бугунги кунда тахдидларни назарий асосга ва иккинчидан, амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида тахдидлар кичик, ўрта ёки катта синфларга ажратиш имконини беради.

Таснифлар келажакда иқтисодий хавфсизликка оид тахлилларни олиб боришда, айниқса STEP ёки SWOT тахлилларни амалга оширишда назарий аҳамиятга эга деб ҳисоблаш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Иқтисодий хавфсизликка тахдидларнинг таснифлари

№	Белгилар	Таркиблари
1	Объектга нисбатан тахдидлар	Ички ва ташқи
2	Мавжудлилик	Жорий ва потенциал
3	Вужудга келиши мумкин бўлган вақти	Доимий ёки баъзан
4	Даражаси	Аниқ ёки яширин
5	Объектив мавжудлилик	Хақиқий ёки аниқ қаратилганлиги
6	Объектга нисбатан таъсири	Актив ёки пассив даражада
7	Келиб чиқиш даражаси	Ҳуқуқий, иқтисодий, экологик, техник, ижтимоий

Ушбу таснифлар кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikнинг иқтисодий хавфсизлик даражасига таъсир этувчи ва уни олдини олиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи асосий элементларни ва мавзуга доир олимларнинг назарий асосларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иқтисодий адабиётларда тахдидларни таснифлашда энг кўп учрайдиган назарий асослар бу хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар ҳисобланади. Чунки ташқи ва ички омилларнинг таъсири бизнес юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш

шунингдек, ходимларнинг иш фаолияти доирасига ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни талаб этади (3-жадвал).

3-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг таснифланишида ички ва ташқи омилларнинг таъсири

Ички омиллар	Ташқи омиллар
Бошқарув даражаси	Қонунчилик ва сиёсат соҳасидаги ўзгаришлар
Меҳнат интизомининг бузилиши	Бюджет тақчиллиги, инфляция ва валютанинг тебраниши
Малакали кадрлар етишмаслиги ёки уларнинг қўнимсизлик даражаси	Ташқи сиёсат даражаси
Режалаштириш ва ташкил этишдаги камчиликлар ҳамда стратегик режалаштиришнинг аҳамиятсизлиги	Табиий ва фавқулотда вазиятлар
Ресурслар ва моддий бойликлар билан таъминланганлик даражаси	Кучли рақобат
Географик жойлашув	Технологик янгиланишлар
Техника ва технологиялар билан таъминланганлик	Инвестицион жозибadorлик ва уларнинг тақсимланиши

Хулоса ва таклифлар

Шуни таъкидлаш керакки, иқтисодий хавфсизликка ички ва ташқи таҳдидларнинг таъсири бир-бири билан чамбарчас боғлиқ деб ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизликнинг ички омиллари муҳим аҳамиятли ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизликнинг ички омиллари унинг ташқи омиллари таркибий қисмини кўп жиҳатдан ва ҳатто тўлиқ белгилай олади.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини самарадорлигини баҳолаш илмий ёндашувлар, ишлаб чиқилган усуллар асосида амалга оширилиши мумкин ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизликни самарадорлигини баҳолашнинг тўртта даражаси мавжуд:

1. Юқори даражада. У молиявий барқарорликнинг юқори даражасини акс эттиради.
2. Ўрта даражада. У кичик молиявий муаммолар билан тавсифланади.
3. Паст даражада. У молиявий барқарорликнинг йўқотилиши ва асосий воситаларнинг юқори даражада қадрсизланиши билан тавсифланади.
4. Инқироз даражаси. Молиявий барқарорликнинг тўлиқ йўқ бўлишини акс эттиради.

Шундай қилиб, кичик бизнес бозор иқтисодиёти шароитида рақобатнинг ривожланиши ва мавжудлиги учун ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Шунинг учун бу турдаги бизнеснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш унинг механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятли ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишда таҳдидларнинг тавсифланиши унинг келгусидаги фолият даражасини барқарорлиги ва молиявий хавфсизлигини таъминланишини кафолатлайди.

Фойдаланилган дабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5718-сон фармони (манба: www.lex.uz)
2. Пименов, Н. А. Управление финансовыми рисками в системе экономической безопасности. Учебник. Москва.: 2019. С-25
3. Ю.А.Бурцев. Экономическая безопасность малогородского предпринимательства в России. Научный журнал “Мир новой экономики”.: №1/2016. С-90
4. <https://3minut.ru/images/PDF/2015/17/factory-ekonomicheskoy-bezopasnosti.pdf>
5. П.З.Хошимов. Тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ва тизими. “Иқтисод ва молия” илмий журнали-Т.: 2015/11. 24-б